

Сийрат дарслари (113-дарс). Набий алайҳиссалом «ҳайс» таомидан еганлари



13:00 / 04.12.2020 2418

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلٍ لَّيْلٍ لَّوَسَّرَ نَأْتُهُ لَلَّيْزِ رُهُ يَبْأَنْعَ
تَدْفُصَ وَإِن لَّابْأَوْبَ تَقْلُغَ وَنَجَّ لَّابْأَوْبَ تَحْتَفُ نَاصَمَرَ رَاجِ إِذَا: لَاقِ
نَطَايِشِ لَلَّ

443. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Рамазон ойи кирганда жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади ва шайтонлар кишанланади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: **«Рамазон келса, жаннат эшиклари очилади»**, дейилган.

Бухорий ривоят қилган.

نَاكَ إِذَا: مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلٍ لَّوَسَّرَ نَأْتُهُ لَلَّيْزِ رُهُ يَبْأَنْعَ
تَقْلُغَ وَنَجَّ لَّابْأَوْبَ تَحْتَفُ نَاصَمَرَ رَاجِ إِذَا: لَاقِ
نَطَايِشِ لَلَّ

Бошқа ривоятда: «**Рамазон ойининг аввалги кечаси бўлса, шайтонлар ва ўзбошимча жинлар кишанланади. Дўзахнинг эшиклари ёпилади, улардан бирор эшик очилмайди. Жаннатнинг эшиклари очилади, улардан бирор эшик ёпилмайди. Бир нидо қилувчи: «Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!»** деб нидо қилади. Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган(банда)лари бўлур. Ҳар кеча шундоқ бўлади», дейилган.

Термизий, Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоқим ривоят қилишган.

لَا اِقْمَلَسَوْوْهُ يَلْعَهُ الْجَلَّالُ لَلْجَلَّالِ وَالْوَسْرُ نَا: اَهْنَعُهُ لَلِ اِيضَرَ وَصَفْحٌ نَع
نَنَّسَلْ اِبْ اَحْ صَاْ هَاوْر. هَلْ مَ اِيْ صِ الْفَرْجَ لَلْ اَبْقَمَ اِيْ صِلْ لَ اَعْمُ جُيْ مَلْ نَم
هَاحَّ صَوَ وَ اَبْحَ نَبَاوْ هَ مَ يَ رُحُ نَبَاوْ

444. Ҳафса розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким фаждан олдин рўзани қасд қилмаса, унинг рўзаси йўқдир»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа ва Ибн Хузайма ривоят қилишган.

هَ يَلْعَهُ الْجَلَّالُ لَلْجَلَّالِ وَالْوَسْرُ يَلْ لَقَاق: تَلْ اَقَ، اَهْنَعُهُ لَلِ اِيضَرَ وَصَفْحٌ نَع
لَ الْوَسْرُ اِي: تُتْلُقُ ف: تُتْلُقُ اَقَ «هَيْ؟ شُ مٌ كَذَنْعَ لَهْ هَيْ شِ اَعْ اِي»: مُؤْيِ تَاذَمَّ لَسَوْ
لَلْجَلَّالُ لَلْجَلَّالِ وَالْوَسْرُ جَرْ حَ ف: تُتْلُقُ اَقَ «مُ اِيْ صِ نِ اِف»: لَقَاقُ هَيْ شِ اِنْ دَنْعَ اَمَ، هَلْ لَلِ
عَجْرَ اَمَلَف: تُتْلُقُ اَقَ، - رُوزَ اِنْ اَعْ اَجْ وَأ - هَيْ دَهْ اِنْ لُ تَيْ دَهْ اَفْ مَّ لَسَوْ هَ يَلْعَهُ الْجَلَّالِ
اِنْ لُ تَيْ دَهْ اُ هَلْ لَلِ اِنْ لُ اَمَلَف: تُتْلُقُ مَّ لَسَوْ هَ يَلْعَهُ الْجَلَّالِ لَلْجَلَّالِ اِيضَرَ وَصَفْحٌ نَع
لَقَاقُ هَيْ سِيْحَ: تُتْلُقُ «هَيْ؟ اَمَ»: لَقَاقُ، اِيْ يَشِ كَلْ تُتْلُقُ اَبْحَ دَقْ وَ - رُوزَ اِنْ اَعْ اَجْ وَأ - هَيْ دَهْ
«اَمُ اِيْ صِ اُ تَنْ كَذَنْعَ دَقَ»: لَقَاقُ مَثْ، لَقَاقُ اَفِ هَبُ تَجْ اَهْ»

445. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни менга: **«Ҳой Оиша, ҳузурингизда бирор нарса борми?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳузуримизда ҳеч нарса йўқ», дедик. **«Ундай бўлса, мен рўзадорман»**, дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб кетдилар. Шунда бизга ҳадя берилди ёки бизга зиёратчилар келди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтиб келганларида: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳадя қилинди ёки бизга зиёратчилар келди. Сизга бир нарса беркитиб қўйдим», дедим. **«У нима?»** дедилар. «Ҳайс», дедим.* **«Олиб кел»**, дедилар. Мен олиб келдим ва ундан едилар. Сўнгра: **«Эрталаб рўза тутган эдим»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Изоҳ: Ҳайс – арабларнинг хурмо, сариёғ, қурут ёки унни аралаштириб тайёрлайдиган таоми.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан